


**БИРАНИНГ  
УСТИ**



### РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

9 июн куни Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Журабеков раислигида кенгаш бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон темир йуллари» давлат акционерлик компаниясидаги аҳвол атрофлича қараб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар бўйича компаниянинг масъул ходимлари ахборот ва ҳисоботлар беришди.

Кенгашда Республика аҳолисининг темир йул хизматиغا бўлган эҳтиёжини тула ва сифатли даражада қондиришга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

### «СИНО» ВА «ФАРОН»

Самарқандда «Сино» совутгичлар ишлаб чиқариш заводи ва Германиянинг «Фарон» фирмаси билан ҳамкорликда янги — «Фарсин» қўшма корхонаси тузилди.

Бу корхона иш бошлагач, Ўзбекистонда тайёрланаётган совутгичлар миқдори йилига 400 мингтага етиши мўлжалланмоқда.

### ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАЧ...

Қарши шаҳрида яна бир хусусий фирма иш бошлади. Бу фирма дорихоналар ташкил этиш ва дори-дармон савдоси билан шугулланаяпти.

Илгари корхона пештахталарида 200 хил дори-дармон турган бўлса, бугунги кунда 1000 га яқин турдаги шундай маҳсулотлар мавжуд.

### СОТИЛГАНИ ҲИСОБ

Гулистондаги «Лола» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши эмас, балки уларнинг сотилиши самарали эканлигини амалда кўрди. Шунинг учун ҳиссадорлар маҳсулот сифатиغا, яъни харидоргирлигига алоҳида эътибор беришмоқда. Бу ерда хотин-қизлар учун бежирим кийим-кечаклар тайёрланапти.

### ИШБИЛАРМОН ФЕРМЕР

Поп туманидаги «Тулпор» хусусий фермер хўжалигига ёш, изланувчан чорвадор Отабек Фаёзов бошчилик қилмоқда. Айни кунда фермер хўжалигида 556 бош қорамол, 8 бош от, 300 бошдан зиёд қўй, эчки боқилмоқда.

Чорвадорлар 50 тонна сўт, 120 тонна гўшт етказиш йулида меҳнат қилишяпти.

Хўжаликда ҳар бир ишчининг маоши ўртача 800 сумни ташкил этади. Ой якунига кура ил-ғорлар мукофотланмоқда. Тушлик, иш кийимлари эса бепул.

### КИРГИЗ ОҲАНГЛАРИ

Яқинда Қирғизистон Республикасининг санъаткорлари Жалолқудуқ тумани меҳнат жамоалари, ўқув юртлари талабалари ҳузурида меҳмон бўлишиб, ўз ижрочилиқ маҳоратларини намойиш этдилар. Уларнинг муҳаббат ва дўстлик ҳақидаги қўшиқлари, ичакузди ҳангома ва аскиялари ўзбекистонлик санъат шинавандаларида катта таассурот қолдирди.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди



А. ТЎРАЕВ сурати

### Ажабо!

### РОБИНЗОННИНГ КУНИ ТУШИБДИ

Канадалик ҳинду Брюс Тэйлор қилган жинойати учун антиқа бир жазога лойиқ топилди. Яъни, «шўрпешона» бир йил муддатга ҳали инсон оёғи етмаган оролчага сургун қилинадиган бўлди. Маълум бўлишича, ҳиндулар анъаналарига асосланган бунақа ғаройиб жазо усули Канада тарихида иккинчи бор қўлланилаётган экан.

28 ёшли бу жинойтчи июн ойидаёқ янги ватанига, тараққиётдан буткул ҳоли бўлган ерга элтиб ташланади. Бўлғуси «Робинзон» бу муҳитга мослаша оладими, йўқми буни вақт кўрсатади. Ҳар ҳолда у Даниэл Дефонинг асаридан қўлланма сифатида фойдаланса ажаб эмас.

**УШБУ  
СОҶДА:**

2-бет

**Аёлга эътибор —  
кедажакка эътибор**

3-бет

**Ватан — бир ва  
абადий**

4-бет

**Витр намозини ўқиш  
вожибдур**

6-бет

**Ҳамият**

**(жинойтдан кейинги  
ўйлар)**

**ОБУНА ДАВОМ  
ЭТМОҚДА**

**Севимли газетангиз  
«Оила ва жамият»га  
1995 йилнинг  
2 ярми учун обуна  
давом этмоқда.**

**ОБУНА  
БАҲОСИ:**

**3 ойга — 42, 90  
тийин.**

**6 ойга — 85, 90  
тийин.**

**Газета индекси:  
64654**



Баркамол авлод учун

# АЁЛГА ЭЪТИБОР — КЕПАЖАККА ЭЪТИБОР

Аёл деганда, дастлаб куз унгимизда фарзандларни дунёга келтириб, асраб-авайлаб камолга етказётган она, елиб-югуриб рўзгор ишларини бажарётган оила соҳибаси гавдаланади. Демак, аёлнинг биринчи вазифаси инсон зотини давом эттирувчи фарзандларни дунёга келтириш, уларни тарбиялашдир. Аёлнинг ушбу вазифаси унинг авлод яратувчи сифатида жамиятдаги ўрни ниҳоятда баёбах эканлигини курсатади.

Аёллар фарзандларни тарбиялаш ва оила юмушларидан ташқари ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳам фаол қатнашмоқдалар. Фикримизнинг исботи сифатида республикамиз аёлларининг ижтимоий фаолиятини курсатувчи далилларга мурожаат этайлик. Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг 45,4 фоизи аёллардир. Шуни эътиборлики, кейинги йилларда жамият ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар миқдори эркакларга нисбатан тез ошиб бормоқда. Масалан, 1980-1994 йиллар мобайнида ҳалқ ҳужалигида банд бўлган ишчи ва хизматчи эркаклар миқдори 19 фоизга ошган бўлса, ҳалқ ҳужалигида банд бўлган ишчи ва хизматчи аёллар миқдори эса 40 фоиздан кўпроқ ошди. Ҳозирги кунда республикада жами ишчи ва хизматчиларнинг умумий сонида аёллар салмоғи 44 фоизга етди.

Ҳалқ ҳужалигининг баъзи соҳаларида эса аёллар салмоғи 60-70 фоизни ташкил этади. Масалан, статистик маълумотларнинг курсатишича, соғлиқни сақлаш, физкультура, ижтимоий таъминот, ҳалқ таълими, маданият ва санъат, фан соҳаларида банд бўлган аҳолининг 70 фоизга яқинини аёллар ташкил этса, қишлоқ ва урмон ҳужалигида уларнинг салмоғи 47 фоизни, савдо умумий овқатланиш, моддий-техника таъминотида — 45 фоизни, sanoat, транспорт ва қурилишда эса аёллар сал-

моғи 31 фоизни ташкил этади.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш, маориф, маданият соҳаларида ва ҳалқ ҳужалигининг ақлий меҳнат талаб этадиган ишларида аёллар салмоғи ортиб бормоқда. Масалан, кейинги ун йилда ақлий меҳнат билан банд бўлган аҳолининг умумий миқдоридида аёллар салмоғи 52 фоиздан 54 фоизга, давлат бошқарув ташкилотларида раҳбарлик қилаётганлар орасида — 29 фоиздан 36 фоизга, жамият ташкилоти раҳбарияти ичида — 27 фоиздан 31 фоизгача, sanoat, транспорт, қишлоқ ҳужалиги ва алоқа тармоқлари корхоналаридаги жами раҳбарлар орасида эса 17 фоиздан 18 фоизга етди.

Статистик маълумотларга қараганда, республикамиздаги илмий-тадқиқотчи мутахассисларнинг ҳам 45 фоизи аёллардир. Ўзбекистондаги фан докторларининг 11 фоизи ва фан номзодларининг 28 фоизини аёллар ташкил этади.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида меҳнат ёшидаги аёлларнинг 80 фоизга яқини ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашар экан. Ҳозирги даврда Ўзбекистон аҳолиси йилига уртача 2,5 фоиздан ўсиб бормоқда. Дунё аҳолисининг йиллик ўсиши эса уртача 1,7 фоизни ташкил этади. Ҳар йили республикамизда 700-750 минг атрофида чақалоқлар туғилади. Бу рақамлар Ўзбекистонда келажак авлодимизнинг миқдор жihatдан жуда тез ўсаятганлигини далолат беради. Ушбу ҳол демографик тараққиёт нуқтаи назаридан олганда ижобий баҳоланади, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томони бор. Аҳоли сонининг ўсиб бориши республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида ўзига хос муаммоларни ҳал этишни талаб қилади. Улардан асосийси республикамиз иқтисодий ривожлантириш, шу билан бирга миллий-маданий қадриятларни кўтариб, соғлом авлод яратишдир.

Бу муаммоларни ҳал этиш ўз урнида республика ҳалқ ҳужалигининг турли соҳалари буйича етук, юқори малакали му-

тахассислар тайёрлашни талаб этади. Модомики, республикамизда маориф, фан, соғлиқни сақлаш соҳаларида асосан аёллар меҳнат қилар экан, ёш авлодини соғлом, маънавий пок, ўз касбига, фанига фидоий мутахассис қилиб тайёрлашда уларнинг, айниқса, олима аёлларимизнинг хизматлари, уларнинг жамиятда тутган ўринлари аҳамиятлидир.

Аёллар ўртасида олиб борилган махсус ижтимоий-демографик тадқиқотлар курсатишича, жамиятда олима аёллар бажарётган ишлар бошқа аёлларга нисбатан ҳам юқори, масъулиятлироқ экан. Улар бажарётган вазифаларни шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Демографик масъулият — оила куриши, фарзанд куриши, уни тарбиялаш. Оила соҳибаси бўлиши.
2. Фан тараққиёти йулидаги масъулият. Фан тармоқларини ривожлантириш, кашфиётлар қилиш, илмий тадқиқотлар утказиши.
3. Ёш авлодини тарбиялаш, мутахассислар тайёрлаш.

4. Ўз мутахассислиги буйича ўзбек тилида дарсликлар, қўлланмалар, илмий, бадий асарлар яратиш.

Шуни айтиш кераки, кейинги 3-4 йил ичида олима аёллар сонининг ўсиб бориши, умуман, аёлларнинг илм-фанга интилиши бироз камайди. Бунинг сабаби, фикримизча, бир томондан республиканинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий танқисликлар, нарх-навоини кўтарилиши, инфляция бўлса, иккинчи томондан, фан йулида меҳнат қилаётган мутахассислар иқтисодий-ижтимоий имкониятнинг пастигидир. Масалан, бирор бир завод, фабрикада меҳнат қилаётган аёл ўз фарзандини шу корхона-

си боғча, яслиларига бемалол жойлаштиради. Лекин баъзи олийгоҳ ўқитувчилари, илмий ходим аёллар фарзандлари районларда навбат кутишади. Бундай мисоллар кўп...

Ваҳоланки, соғлом авлод тарбиялашда, маънавий, маданий қадриятларимизни тиклашда жамиятда олима аёллар етакчидир. Уларнинг меҳнати, уларнинг фидоийлиги оила мустақамлиги, жамият хотиржамлигининг гаровидир. Олима аёллар ўзлари соғлом авлод тарбиячилари бўлиши билан бир қаторда улар ҳам бўлажак соғлом авлоднинг бир қисми — маълум бир жиҳатдан асосий етакловчи қисми сифатида уларнинг айримлари ёрдамга муҳтождир.

Олима аёлларга давлатимиз томонидан берилётган ижтимоий муҳофазани, иқтисодий имкониятларни уларнинг жамиятда тутган ўринини ҳисобга олган ҳолда мустақамлаш зарурдир. Умуман, фан аҳлига, жумладан олима аёлларга бўлган махсус эътибор жамиятда жуда тез ўз самарасини курсатади. Аҳоли ўртасида юқори маълумотли аёллар салмоғи ортиб боради. Бу ҳол жамиятнинг сифат тараққиётини тезлаштиради. Умуман, жамиятимизда аёл саломадлиги, хотиржамлигига эътиборни кўчатириш керак. Агар оилада аёл соғлом бўлса, соғлом фарзанд туғилиши, соғлом фарзанддан соғлом авлод вужудга келиши ҳаммага аёндыр. Аёл саломадлиги нафақат соғлом авлод яратишда, республикамизнинг бозор иқтисодийётига ўтиш давридаги қатор муаммоларни ҳал этишда, моддий неъматлар ишлаб чиқишда, фан, маданият ва санъат тараққиётида ҳам жуда зарурдир.

Мамлакат БҮРИЕВА,  
ТошДУ Аҳолисунолик лабораторияси  
муdiri, иқтисод фанлари номзоди



Онажоним табиат

## «КЎЗЛАРИМГА БОҚ...»

Куз — инсон кўнглининг ойнаси. Айтилаётган гап рост ёки ёлгонлигини билиш учун: «Кўзларимга тик қараб гапир», — деймиз. Инсон кўзида унинг қувончи, гам-ташвишлари, орзу-уйларининг аксини куриш мумкин.

Шу уринда савол туғилади: «Хуш, бизни ураб турган ҳайвонот оламида-чи?» Уларнинг кўзидан ҳам қуркунч, гуноҳқорона боқиш, мағрур-

ликни ўқиб олса булади. Сиздан бехуш бирор ҳаракат қилган, покиза бир жойни булгаб қўйган итин-гизнинг кўзига қаранг, сиз унда гуноҳқорлик аломатларини кўрасиз. Ёки сизга тажоввукорона ҳураётган нотаниш итнинг кўзига жаҳл билан тик боқсангиз, у дарров кўзини олиб қочиши, хуришдан тухтаб, қочгани жой излаб қолиши ҳам мумкин.

Ҳайвонлар кўз билан гипноз қилиш қудратига эгами?

Билмадим, ҳар ҳолда ваҳший ҳайвонга дуч келиб қолган инсон узини йўқотиб қўйиши, бирдан бақриб юбориши ёки тили калимага келмай дудуқланиб қолиши аниқ. Мушук, бури ва бойуғли каби жониворларнинг кўзлари тунда чақнаб туриши масаласига келсак, бунда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап шундаки, уларнинг кўзлари тунда қўришга мослашган. Тўғри, қоп-қоронғи жойда улар қуролмайдилар, лекин оз-

гина ёруғлик, яъни ой ёки юлдузлар нури ҳамда бошқа йилт этган нарсалар уларнинг кўзи чақнаб кетади. Бунга сабаб бу жониворларнинг кўзлари рангга эмас, кўпроқ ёруғликни акс эттиришга мослашганлигидир.

Кўпгина ҳайвонлар учун кўз ҳимоячи вазифасини утайди. Масалан, кўзойнакли илон (кобра)ни олайлик. Унинг дум қисмида ҳам кўзи бор, ammo бу кўзлар «чизиб қўйилган». Илон улар билан қуролмайди, лекин орқадан ҳужум қилмоқчи бўлган рақиб бу «кўзларни» қуриб чўчиб қолиши аниқ. Ана, капалак учиб юрибди. Уни тутмоқчи бўлиб ташланган қуш негадир ортига қайтди. Қуш нимадан чўчиди экан? Ҳамма гап шундаки, бу «бойқуш» капалак эди. Табиат бу капалакнинг қанотига бойқушнинг совуқ, этни жунжиктирадиган кўзларини «чизиб қўйган». Шунинг учун бояги қуш худди бойқушга дуч келиб қолгандек қурқиб кетди.

Кўпгина ҳайвонлар, асосан, қушлар «ҳамма гап кўзда» эканини билдилар. Шунинг учун биринчи гада рақибларини қурқитиб қўйишга интиладилар. Масалан, заҳар сочувчи Африка кобриси ўз захрини улжасининг кўзига сочади. Ҳаммамиз яхши биладиган қарға ҳам қур қилишга устаси фаранглардан. Бу улжасуҳур қуш улжасини, ҳатто у олиб ётган бўлса-да, биринчи гада, кўзларини чўқиб олади. Қарғалар ўзаро жанжаллашиб қолганда ҳам бир-бирларининг кўзларини мулжалга оладилар. Лекин, биз биламизки, «қарға қарганинг кўзини чўқмайди».

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, паррандалар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Нафақат қарға, балки турна, лайлак ва ҳатто ҳар тонгда бизни уйғотадиган хуроз ҳам узини ҳимоя қилиш учун рақибининг (агар у одам бўлса ҳам) кўзини чўқиб олишга интилади.

Даврон БЕК тайёрлади





Муҳаррир суҳбатга чорлайди

# ВАТАН БИР ВА АБАДИЙДУР

Гарчи, баҳор кўши чарақлаб турган бўлса-да, мен учун азиз она заминимда кун ҳали салқин. Ҳаво тиниқ, осмон бегубор. Олис-олисларда узи қуриб битай деганига қарамай, Орол денгизи осмон билан тутшиб кетган. Аму соҳилларидан енгил шамол эсади. Қалин саксовулзорлар дарёда тулиб оқётган лойқа сув оҳангларига жур бўлгандек аста шовуллайди. Бундай манзараларни кузатган одам узини қушдек енгил ҳис қилади. Бодой тўқайнинг қалин урмонлари ҳам, соат сайин тупроққа сингиб бораётган денгиз ҳам, мусаффо тонг ҳавоси ҳам аллақандай узгача, таърифга тил ожиз сеҳру жозига тулиқдай, атрофга нафосат, шёърийат таратаётгандай туюлади. Назаримда, фақат шу Амунинг қуш соҳилигина эмас, чексиз Ҷазира, боғу-роғларга, утлоқ ва яйловларга, сон-саноксиз кулларга бой Ўзбекистон табиати нафосатта йўғрилгандай. Қуш соҳил халқининг шёърийатга, қушиққа, мусиқага, уйинлар-у, достонларга учлиги шундан бўлса ажабмас. Бу дийрда Амунинг сувидан чой ичган халқимизнинг сеvimли фарзандлари Хожихон ва Нурмаат Болтаевлар, Комилжон Отаниёзов, Отажон Ху-

дойшуқуровлар сингари раҳматли булбулхониш устозларни ва уларнинг Олмаҳон Ҳайитова, Гавҳар Матқубова, Муяссар Раззоқова каби юзлаб шогирдларини танимаган, уларнинг санъатларидан баҳраманд бўлмаган кишининг топиллиши дарғумон.

Ҳа, бу менинг Ватаним. Ватан... Бу нодир сузга Ўзбек тилининг изоҳли лугатда қуйидагича қисқача таъриф берилган: Ватан... бу киши туғилиб ўсган ва узини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт.

О, Ватан! Сенинг ҳажрингда кимлар оҳ чекмаган? Танги углинг Бобур бир тилим қовунингни соғиниб узга юртларда жон берди. Фурқат эса қузларига тутие айлагали бир сиқим тупрофинга зор бўлиб ёт элларда армон билан куз юмди.

Ҳа, бу дунё утгучидир, аммо кишининг киндик қони тукилган, камолга етиб, касб-ҳунар урганган, тенгқурлари, элдошлари қаторига қушилган азиз ватани битта ва абадийдур. Юртбошимиз айтганидек: «Бугун ҳар бир диенатли инсон: «Юртимиз тинч, халқимиз тотув бўлсин. Ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин, ҳар бир хонадон дастурхони тукин-сочин бўлсин. Ҳар бир инсон бахтли-саодатли бўл-

син» дея эзгу ният ва умидлар қилмоқда.

Узлимизни англаб, миллий қадриятларимизни тиклаб, ота-бонимиздан мерос бўлиб қолган анъаналарни юксак кутараётганлигимизнинг ҳам, олиб борилаётган халқчил сийсатнинг ҳам маъно ва муддаоси аслида шу.

Узаро меҳру-оқибатимиз кун сайин зиёда бўлиб, адолат қарор топса, поклик ва ҳалоллик одатга айланса, ана шундагина биз тилагимизга етамиз.

Тарихи минг йиллик иддизларга эга сеvimли диёримиз Ўзбекистонда кейинги пайтларда демократия, мустақиллик, озодлик, эркинлик, истиқлол, истиқбол сузлари кундалик лугатимизда энг кўп ишлатиладиган иборалар бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чинакамига давлат мустақиллигига ва миллий озодликка эришиш йули билан Республикамиз уз халқига, ҳар бир оилага ва ҳар бир шахсга, қолаверса, инсонларга инсондай яшаш шарт-шароитларини яратишни асосий ва олий даражада мақсад қилиб олган.

Халқимизда «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади» деган ажойиб нақл бор. Зе-



ро, тинчлик мавжуд ҳар бир хонадонда албатта ҳамжиҳатликда барпо қилинаётган боғларимиз ва уларга экилган икки минг тупга яқин «эзгулик кучатлари»нинг (бу ерда мен қўшма корхоналарни назарда тутаялман) санокли йиллар ичида мева беришига аминман. Фақат яна озгина сабр-тоқат, бардош, мардона ва ҳалол меҳнат қилсак, фарзандларимизни янада ватанпарвар қилиб тарбияласак, Яратганининг узи янада ёруғ, сертукин кунларга иншооллоҳ етказди.

Келинг азизлар! Киндик қонимиз тукилган сеvimли диёримиз Ўзбекистонни куз қорачигидек авайлаб-асрайлик, уни ҳар хил нопок кишиларнинг кузларидан, ноқобилларнинг фитналаридан сергаклик билан сақлайлик. Унинг ҳар бир сиқим тупроғини кузларимизга тутие айлаб, истиқболи порлоқ бўлиши учун курашайлик!

Муҳаммад Собир АЙТИМОВ,  
Қорақалпоғистон

## Кишлоқ нафаси

# Ориятли одамлар

Жонобда нуруний бир инсон яшайди. Еши етмиш бешни қоралаган кекса муаллим, уруш ногирони, собиқ ҳукуматнинг бир неча орден ва медаллари билан мукофотланган дойишмаддиамо бу кишининг исми Абдусалом ота Солиев. Биз отахон билан кўп ҳамсуҳбат бўламиз. Унинг пурмаъно ҳикоялари кишини катта руҳий озуқа беради. Шунданми, уша утмиш ҳикояларидан баъзиларини сизга илдиним.

— Авваллари одамларимиз ҳупам содда, ҳалол ва самимий бўлишганда, — дея ҳикоя қилади Абдусалом ота. — Мен айтадиган гаплар ҳов уша 40-50-йилларга тааллуқли. У пайтлардаги ҳамқишлоқларимизнинг феъл-атворини эсласам, ҳануз завқланиб кетаман.

Маҳалланинг чеккасида яшовчи фариштадеккима бир кампир буларди. Ҳамма уни яхши кўрарди, «ҳурматлаб «эна» деб атади. Бир кун кампирнинг дарвозасида биров чақиради (ҳозирги авлодлар нотўғри тушунмасликлари учун ҳикоялардаги кишиларнинг исmlарини айтмаймиз). Кампир ичкарида туриб овоз беради.

— Эна, — дейди ҳалиги одам мулойим овозда, — икки кундан

бери кунглингизга келмасин деб индолмадик. Анов товўқларингиз кўлҳўзининг бедасидан ҳечам кетмай қолди. Ахир у кўпчиликнинг нарсаси...

— Хўп-хўп, болам, — дейди ҳижолат бўлиб кампир. — Ҳозир ҳайдаб келиб, қамаб қўяман.

Ростданам қайтиб ҳеч ким энанинг товўғини бедапоёда кўрмайди.

Ҳозирчи, бутун-бутун мол-қўй подаларини мелиса билан ҳам бугдойзордан (бугдойзордан-а!) ҳайдаб чиқаролмаяпмиз...

Кўлҳўзининг бир йиғилишида баъзи фаоллар ва илгор аъзоларга ҳужалик ҳисобидан уй қуриб беришга қарор қилинди. Йиғилишдан кейин эса қарорга номлари киритилган кишилар


ишга чиқмай қўйишди. Уларнинг орасида ҳужалик раиси ҳам бор эди. Ишга чиқмаганларининг сабабини сўрашса, тақдирланганлар:

— Кўлҳўз бизга уй қуриб берса, биз қандоқ қилиб бош кўтариб юрамиз. Қурилса ҳаммага қурилсин, бўлмаса кераги йўқ, — дейишади.

Буни қарангки, ҳалиги раис узи аслида жувозхонада яшарди. Шунақа нафси тўқ одамлар экан-да.

Бир полвоннинг ўспирин угли ов қила туриб, эҳтиётсизлик туфайли шеригини — биронинг ёш боласини отиб қўйди. Яхшики, бола улмай қолди. Лекин полвон шўрлик кўчага чиқмай қўйди. Ахир, ҳужалик раиси кунмаганига қарамай, бошқа жойдан кичкинагина, уз уйдан анча хароб уй олиб, кўчиб кетди. Кетишда:

— Битта боласини эплаб тарбия қилолмаган, тагин полвон номи бўлган мендек бир одам қишлоққа қандай аралашаман! —



дейди номусдан бошини кўтаролмай...

Ҳа, болам, биз ушандай ориятли одамларнинг авлодларимиз!

Домланинг гапларидан кейин мен нима ҳам дердим, индамай қилиб қўя қолдим...

Наби ЖАЛОЛИДИН



**МАКТУБ**

Хурматли таҳририят!

«Меърож адаби» саҳифасида фойдаланиш зарур сабоқлар берилляпти. Яқинда тасбеҳ ва дуолар баънини бериб яхши иш қилибсизлар. Ургандик, раҳмат. Энди бир илтимосим бор. Витрда ўқиладиган дуои-қунутни ҳам ҳали яхши билмайман. Уни газетлада эълон қилишингизни сурайман.

**О. БЕКБОУЛИЕВ,  
Нукус шахри**

Янги урганувчилар учун еки билмайдиганлар учун масалага кенгроқ тухталсак фойдалан ҳоли булмас. Беш вақт намознинг охири хуфтон намози ҳисобланади. Унинг вақти қуёш ботиб, шафақ йўқолгач қиради. Хуфтон намози 9 ракаатдан иборат бўлиб, 4 ракаат фарз, икки ракаат суннат ва 3 ракаат витрдан иборат. Бизга мактуб йўлаган муштарийимиз витр намозини бошқа намозлардаги дуолардан узгача булган дуои қунут ҳақида сурашгилар. Бу одатдагидек уч ракаатлик намоз бўлиб фақат учинчи ракаатнинг рукуъидан аввал, яъни «Фотиҳа» сураси ва бир қўшимча сура ўқигач «Оллоҳ Акбар» деб қулоқ қоқиб (икки бош бармоқ қулоқнинг юмшоқ жойига теккизилади), такбир айтилади, кейин қулни боғлаб қунут дуосини ўқийди:

«Аллоҳумма инна настаъинику ва настағфирука ва нуъминубика ва натаваскалуу алайка ва нусий алайка хойр, қуллаху нашкурука ва ла нақфурука ва нахлау ва натруку ман яфжурука. Аллоҳума иййака натбуду, ва лақа нусолли ва насжуду ва илайка наъа ва нахфид. Наржу раҳматака ва нахша азабака. Инна азабака бил куффури мулҳиқ».

Таржимаси: «Эй Оллоҳ, сендан ёрдан сураймиз ва сенга истиффор айта-

миз. Сенга иймон келтирамиз ва тавқал қиламиз. Сени мактаймиз, ҳамд ва сано айтамыз. Ҳар қандай эъгулик сенгагинадир. Сенга шукр қиламиз, сенга кофирлик ҳам, куфрони неъмат ҳам қилмасмиз. Сенга қаршилик ва хилофлик қилган кишини тарк этамыз. Эй Оллоҳ, сенга синамиз, сен учун намоз ўқиймиз ва сен учун сажда қиламиз. Сенга шошиламиз ва сенга итоат қиламиз. Раҳматингдан умид қиламиз ва азобингдан қурқамиз. Албатта сенинг азобинг кофирлар устига тушажак».

да ўқугон ҳолда, сажда тиловат қилмакка ухшашдур».

Витр намозини ўқимаса ҳам булади, дегувчилар ҳам булган. Сиз ҳам бундай гумонли гапларни эшитган булсангиз, билингки витрни ўқиш вожиб. Сузимизни асослаш учун Имом Бухорийдан айрим ҳадислар ўқиймиз.

**ВИТР ЎҚИЛАДИГАН ВАҚТЛАР**

Абу Хурайра: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи вассаллам уйқуга етишдан аввал витр ўқимакни тавсия қилдилар», — дейдилар.

Ойша онамиз: «Ҳар кеча Расулulloҳ

## ВИТР НАМОЗИНИ ЎҚИШ ВОЖИБДУР

Биз бу дуои «Мухтасар»дан олдик. Зеро, «Ибодати Исломия»да ёзилган дуодан «қуллаху» сузи тушиб қолган. Витр дегани фарз, суннат еки бошқа амаллардан нимаси билан фарқ қилади, деган саволи беради кўпчилик. Банданинг амаллари 8 хил бўлиб, «1-фарз, 2-вожиб, 3-суннат, 4-мустаҳаб, 5-мувоҳ, 6-ҳаром, 7-макруҳ, 8-мустахраҳ». Витр бу амалларнинг иккинчисига, яъни вожибга тааллуқли. Келинг шу ерда «Ибодати Исломия» дан кучирма келтирамиз.

«Вожиб шул тариқа амалдурки, дини исломда уни қилинмакни амр қилинмишдур. Вожиб амални қилган киши савоб топар, беузур тарк қилган киши гуноҳдор булур. Вожиб амалнинг заруригига инонмаган киши кофир ва беимон булмаса ҳам қаттиқ гуноҳдор булур. Вожиб амали витр намозини ўқимак, ийд (ҳайит) намозларини ўқимак, садақаи фитр бермак, қурбонлик суймак, Қуръонда ояти саж-

саллalloҳу алайҳи вассаллам тонг отаргача витр ўқир эдилар», — дейдилар.

Ойша онамиз ривоят қилардилар: «Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи вассаллам кечаси намоз ўқир эдилар.

Қачон витр ўқийдиргон булсалар, мени уйготар эрдилар, мен ҳам витр ўқир эрдим».

**НАМОЗХОН КЕЧАСИГИ НАМОЗНИ  
ВИТР ҚИЛСИН!**

Абдуллоҳ ибн Умар: «Расулulloҳ (САВ): «Кечасиги намозингизнинг охири витр қилингиз!» деб айтганлар», — дейдилар.

\*\*\*

Анас Разияллоҳу Анҳу ривоят қилдилар: «Расулulloҳ (САВ) бир ой давомида беш вақт намознинг охириги ракаатларида Раъл ва Заквон қабилаларини дуои бад қилиб, қунут дуосини ўқирдилар».

Алқисса, витр намозини имкон қа-



дар қуриб чиқдик. Таҳририятимизда рамазон ойидаги тароби ўқиш тартиби суралган мактублар ҳам бор. Оллоҳ насиб этса, тез кунда уни ҳам эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**Ҳ. ОМОНХОН ўғли**

**Меърож адаби**

Абу Ҳомид Ғаззолий (1058-1111) Ислам оламининг буюқ олими, адаби ва мутафаккиридир. Унинг «Босит», «Вожиб», «Восит» каби фикҳ илмига оид асарлари, «Кавоид ал-Ақои», «Ар-Рисолат ал-Кудсия», «Ал-Иқтисод фиъл-Эътиқод» сингари калом илмига оид асарлари ва барча исломий илмларни қамраб олган «Ихё Улум ад-дин» (форсча номи «Кимё-и саодат») сингари асари маълум ва машхур. Умуман Ғаззолийнинг асарлари юзга яқин.



Куйида биз буюқ олимнинг «Мукошафатул-Кулуб» (Қалбларнинг кашфиёти) асаридан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

Эй қардошим, билиб қуйки, Оллоҳ

## ГИЙБАТ

узининг Қуръонида гийбатнинг ёмонлигини кескинлик билан айтиб қуйган ва гийбат қилганни УЛИКНИНГ ЭТИНИ ЕГАНГА ухшатгандир:

— Эй, муминлар, гумонларнинг қупидан четлангилар! Чунки айрим гумонлар гуноҳдир! Бир-бирингизнинг айбларингизни кавлаштирманг ва айримларингиз ҳам айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши узининг ўлган биродарининг гўштини ёйишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гийбатни ҳам ёмон кўрингиз!) Оллоҳдан кўрингиз! Албатта, Оллоҳ тавбаларни қабул қилгучи, меҳрибондир.

— Гийбатдан сақланинг! Чунки унда уч офат бор:

- 1- Гийбатчининг дуоси қабул қилинмайди.
- 2- Қилган хайрли ишлари қабул этилмайди.
- 3- Гийбатчининг устида гуноҳлар бирлашади.

Пайгамбаримиз НАМИМА (гап ташувчилик)нинг ёмонлиги ҳақи-

да шундай буюрганлар:

67 Ҳужурот сураси, оят: 12.

— Қиёмат кунинсонларнинг энг ярамаси иккиозламчилардир. Иккиозламчилар бунга келиб бошқача сўзлайди, унга бориб бошқача гапиради. Ким, дунёда шундай иккиозламачи бўлса, қиёмат кунининг оловдан икки тили булади.

— Унга бориб бир турли, бунга келиб бошқача турли гапириб бузгунчилик қилганлар жаннатга кирмайди.

Ҳикоя қиладилар:

— Абулайис Бухорий Ҳажга кетаётганда чўнтагига иккита пулни ғамлаб олади ва узага шундай шарт қўяди:

— Агар Маккага кетаётганимда ёки у ердан келаётганимда бировни Гийбат қилсам шу икки пулни садақа қиламан.

Маккага бориб келади, лекин икки пули чўнтагида қолади. Сураганларга шу жавобни беради:

— Юз марта зино қилганимдан бир марта гийбат қилганимнинг гуноҳи ёмонроқдир!

Абу Ҳофс Кабир ҳам бу мавзуда шундай деган эди:

— Бировни ИҒВО қилишнинг гуноҳи бир Рамазон рўза тутмасликнинг гуноҳидан ёмонроқдир.

Ва илова қилади:

— Ким бир фикҳ олимни ИҒВО қилса, ҚИЁМАТ КУНИ пешонасида «бу, Оллоҳнинг раҳматидан умид узувчидир!» — деб ёзилган ҳолда келади.

Анас ибн Молик ривоят қилади: Оллоҳ Расули буюрадиларки!

— Меърож кечаси бир тўда инсонлар кўрдим, тирноқлари билан юзларини тимдалардилар ва ифлос нарсалар еярдилар. Жаброилдан: «Булар ким?» деб сурадим. Дедики: «Булар дунёда инсонларнинг гўштини еганлар, гийбат қилганлардир!»

— Гийбат қилган одам гийбати тўфайли, гийбат қилинган одамга қарамдир. Авваламбор, Оллоҳнинг ҳақидан қутилиш учун тавба қилиши, кейин яна гийбат қилинган кишининг ҳақидан ҳам қутилиш учун ундан розилик тилаши вожибдир.

Пайгамбаримиз шундай буюрадилар:

— Ким мусулмон қардошини игво қилса, Оллоҳ қиёмат кунининг юзини орқасига ўгириб қўяди.

Гийбат қилган кишининг зиммасига тушган юк шундан иборатки, у гийбат қилган даврасидан туриб кетмасдан бурун ва қилинган игво, игво қилинганнинг қулоғига етмасдан бурун тавба-истигфор қилсин! Чунки қилинган гийбат, гийбат қилинганнинг қулоғига бормасдан аввал тавба-истигфор қилинса, авф этилади! Ҳолбуки қилинган гийбат, гийбат қилинганнинг қулоғига етиб боргандан кейин авф этилмайди. Фақат игво қилинган киши билан розилашса, у ҳолда авф этилади.

**Миразиз АбЗАМ таржимаси**





Шифокор маслаҳати

### ТИШЛАРНИ ЕМИРИЛИШДАН САҚЛАНГ

Тишлар емирилишини халқ орасида «Тишингни курт ебди», дейишса, шифокорлар уни кариес деб юртишади. Кариес кўп тарқалган хасталиклар қаторига киради. Масалан аёллар «биринчи фарзандим-

да бу тишим, бошқа фарзандимга ҳомиладор бўлганимда мана буниси кавакча бўлди», дейишади.

Аёллар танасида ҳомиланинг ривож учун скелат тўқимасини ҳосил қилишда, жуда кўп турлитуман моддалар керак бўлади. Шунинг учун улар гилвата, бур, кесак егилари келади. Аёл организми етарли миқдорда суюқни мустаҳкамловчи моддаларни етказиб беролмаса, тиши емирилади. Яъни, тишнинг суюқ тўқимаси ҳомиллага ўтиши ҳисобига ковакча ҳосил бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун, тишни соғлом сақлаш, тиш қаторларида мувозанатни бузмаслик учун вақтида шифокор кўригидан ўтиб, керакли муолажаларни ўз вақтида олиш керак. Бу жараён фақат ҳомиладор аёллардагина эмас, етуклик ёшидаги барча кишиларда учраши мумкин. Чунончи, мактаб ёшидаги ўқувчиларда ҳам тиш емирилиши кўп учрайди. Сабаби нимада? Сабаби шуки, киши орга-

низми 30 ёшгача тез усади. Тишлар ҳам айнан ана шу даврда кўп емирилади. Бундай кўнгилсизликдан халос бўлиш учун, албатта шифокорга мурожаат қилиб, оғиз тозалигига риоя қилинг!

### ОГИЗ НЕГА ХИДЛАНАДИ?

Маълумки, тишлар емирилган, милқлар қонаганда, оғиздан бадбўй хид келади. Яна бунинг устига, ашаддий кашанда ва спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилар оғиздан ҳам ҳамisha бадбўй хид келиб туради. Одатда биз овқат ачибди ёки хидланибди, деймиз. Хидланиш сабабларидан бири ачиш бўлиб, бу оғизга ҳам тегишлидир. Оғиз тозалигига риоя қилинмаса, қолдиқ овқатлар тиш ковакчаларига кириб қолиб ачийди. Бундай ҳолларда шифокорнинг ёрдамисиз бирор ижобий натижага эришиш амримаҳол.

Анвар АЛИХЎЖАЕВ,  
шифокор

### ДИҚҚАТ!

## «Оила ва жамият»!

ҳафталиги қошидаги компьютер техник ўқув маркази ёзги таътил даврида мактаб ўқувчиларини компьютер ўқув машғулоти ва ўйин гуруҳларига ўқишга таклиф этади.

Машғулотлар пуллик.

Ойига — 50 сўм.

Мурожаат учун манзил:

«Оила ва жамият» тахририяти.

Тел.: 39-43-95, 39-14-08.

### ДИҚҚАТ!

### ДЕРАЗА

#### МАШИНАНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИ

Қозоғистоннинг Толдикўргон вилоятида чўпон бўлиб ишловчи М. Умарқуловнинг уйига ҳўжалик ветврачи «Жигули»сини расмийлаштириб олишда ёрдам сўраб келди. Аниқланишича, бу машина 1984 йили М. Умарқуловга мукофот сифатида ажратилган экан. Шунинг учун машинанинг ҳўжатлари Умарқулов номига расмийлаштирилган бўлиб чиқди. Ветврач бунинг учун чўпонга 30 минг танга беришни ваъда қилди. Бундан аччиғланган чўпон тўғридан-тўғри вилоят прокурорига арз қилиб борди. Энди ветврачга «Жигули» 30 минг тангадан ҳам қимматга тушадиганга ухшайди.

#### СИЁСАТЧИ БИЛАН АКТЁР ҚУДА БЎЛМОҚЧИ

Россияда сиёсатчи, Санкт-Петербург шаҳрининг Мэри Анатолий Собчак билан машҳур актёр Михаил Боярский қуда бўлиши мумкин деган шов-шув юрибди. М. Боярскийнинг ўғли Сергейнинг айтишича, А. Собчакнинг қизи Ксюша билан муносабатлари анча яхши. Ҳозирча, М. Боярскийнинг ўғли 15 ёшда, А. Собчакнинг қизи 14 га кирди.

#### КИМНИНГ ОИЛАСИ КАТТА

Собиқ СССР Республикаларининг президентлари орасида Тожикистон президенти И. Раҳмоновнинг оиласи энг катта оила ҳисобланмоқда. Унинг 6 нафар қизи ва бир ўгли бор.

Арманистон ва Украина президентларининг биттадан фарзандлари бўлиб, Тер-Петросянца — ўғил, Леонид Кучма — қиз.

Латвия президенти Улманис, Молдова президенти Снегур, Туркманбоши Ниязов, Озарбойжон президенти Алиев ва Грузия президенти Шеварнадзелар оиласида бир ўғил ва бир қизлари бор.

#### ЖАМҒАРМА БАНК АЛДАМАЙДИ, ЛЕКИН...

Тожикистон собиқ, СССР Республикалари ичида энг охирида ўз пулига эга бўлди. Янги пулни муомалага киритишда 100 Россия пулига 1 Тожикистон рубли тенг қилинди. Аммо жамғарма банкда пули борларга янги пул хурсандчилик келтирмади. Чунки, банкдаги ҳар икки юз Россия рублига 1 Тожикистон рубли алмаштирилди.

Жамғарма банкда 726 минг 271 рубли бўлган нафақахўр Виктор Романов тожик пулида 585 рубл олиб алаמידан йиғлаб юборди.


Тожикистондан Москвага учадиган самолёт билети 6 минг 650 тожик рублига тенг.

#### ГРУЗИЯНИНГ ФАХРЛИ ФУҚАРОЛАРИ

Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларининг мэrlлари А. Собчак ва Ю. Лужков Грузиянинг фахрли фуқаролари бўлишди. Бу, Лужковга Москванинг Ш. Руставели проспектидаги авария ҳолатидаги мактабни таъмир қилгани учун, Собчакка эса 9 апрель Грузия воқеасини тўғрилигича талқин этгани учун берилди.

Грузия тарихида фахрий фуқаролик, грузин қиролиги фамилиядош бўлган Багратион ва Грузиянинг энг яқин дўсти ҳисобланувчи немис режиссёри Герман Вединкинга берилган.

#### ХОРИЖИЙ МАТЕВУТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ



### ШАБРАКЛАЙМИЗ!



Падари бузрукворимиз **Бозоровой НОСИРОВ**ни таваллуд топган кунлари муносабати билан муборакбод этамиз. Илоҳа, Мунаввархон онажонимиз билан

қўша қариб юришларини тилаб қоламиз.

Фарзандлари: Бунёд, Равшан, Рустам, Аваз, Дилшод, Илбс ҳамда келинлари

\*\*\*

Азиз, **ГУЛСАРА** ва **НАФИСА-ХОН!** Туғилган кунларингиз муборак. Ҳамиша ҳаёт йўлингиз ёруғ,

умрингиз сермазмун бўлсин.

**Жуман, Гулнора, Зарифа, Наргиза**  
Хўжаписқанд қишлоғи.

\*\*\*

#### АБДУВАЛИ!

Таваллуд кунингиз билан самимий табриклаймиз. Санъат соҳасидаги ишларингизда ижодий баркамоллик тилаймиз, деб онажонинг,

**Хосият ва Ойгилос, Гулсара, Абдухалил, Мейли.**



— Мени улдиришлар, улдиришлар мени! Улишимга ердан беринглар. Мен одам улдиридим! Аммо у мени олдин улдириди. У менинг ҳамиятимни чил-парчин қилди...

Бутун дунё Исмоил учун тим қоронгу зимистонга айланган кетди. У ҳозиргина уз Гуласалини, кечанига оғушида қучоқлаб ётган танмаҳрамини улдириди. Аммо Гуласалининг орқасидан узи ҳам ҳаётдан куз юммоқчи бўлди, чунки ҳаёт — одамлар бўлса, бу одамлар орасида яшашга илож қолмаган эди.

Эвоҳ, мудҳиш бу ҳаёт қурулиги уни қоронгу тамуғ, жаҳаннам тубига олиб кетмади. Куп соатлардан кейин у кузини шифохонада, сунъий қон қуйиш ускунаси остида очди. Хонада ҳеч ким йўқ, Исмоилнинг кузлари яна юмиллиб кетди, аммо унинг фикри тиниқлаша бошлади, узининг шифохонада ёганини сезар, шу билан бир қаторда у уз танасига, юракларига пичоқ санчганини ҳам элас-элас эларди. Танасининг куп жойлари ачишиб оғрир, қайси жойи, қайси азбоси оғриганини сезмас эди.

Исмоилнинг дили, қалби, виждони ва бу дунёда одамлар унчалик сезмайдиган ҳамияти зирқираб оғрир эди.

Исмоил яна, у дунёда шундай бўлса керакда, деб кузининг юмилишига қаршилиқ қилмади. Узоқ етди. Узи билмайди қанча ётганини. Тушида талвасланиб-талвасланиб Гуласалини излади, ниманидир кургандай бўлди, кузига қизил куйлакда Гуласал курунгандай бўлди. У Гуласалини, унинг юмшоқ буларини, билакларини ушлаб, узига тортмоқчи бўлади. Аммо Гуласалининг устидаги қизил куйлак тўғе қизил қондай Исмоилнинг кузларига чаплагани қолади-ю, Гуласал унга яқин келмайди.

Туринг. Суд келаяпти!

Исмоил сесканиб уйғонди. Тун. Қамоқхонанинг иссиқдан, ҳар хил ифлосликлардан бадбуйланиб кетган ҳавоси Исмоилнинг куз очишига, қовоқларини йиртиб қаҳқатқатни рўдан ажратиб олишига қаршилиқ қилар, аммо шу билан бирга ички бир ҳис, тўлғониб келаятган ҳаяжон Исмоилга кераксиз туюлган узоқ терговлар, эртага суд жараёни бошланиши унинг кулоқлариде жаранглаб турар эди.

Исмоил иссиқ қанча ланж қилмасин, бадани сув терга тушганига қарамадан кузини очди. Ҳаёлида эртаниг суд эмас, нариги дунё кеза бошлади.

Исмоил уридан туриб кетди. Эртага суд бошланса-ю, мен нималар деб алжишман. «Илоҳо мени отишга ҳам қилсинлар, эртароқ отиб ташлашин» деб қўйди.

Тонг, соат чамаси турт еки бешлар бўлса керак. Исмоилнинг туғилиб усган қадрдон шаҳри Тошкент энди уйғона бошлаган пайт. Узоқ-узоклардан элас-элас товушлар келаяпти. Ҳа, эрта тонг.

Исмоил бевосита: ёзувчи ака, турги қилаяпсиз, менинг исмиمنى узгартирганингиз яхши бўпти, онам, адам, ака-укаларим, айниқса ёру биродарларим уқиса менинг ҳамиятим, айнан менинг виждоним қийналганини унча сезишмас, раҳмат сизга, деб қўйди.

Ҳа, айтгандай, Гуласалининг номи узгартирганингиз учун ҳам минг раҳмат, ахир у химюсиз аёл, ёру биродарлари, унинг ҳам ойиси, адаси, дуст-дугоналари бор, турги қилгансиз, минг раҳмат сизга.

Ёзувчи ака, уғилларимнинг исмларини албатта узгартиринг. Ахир улар ҳали узоқ яшапади. Айтинг,

Ким айбдор?

# ҲАМИЯТ

ёки жиноятдан кейинги уйлар

уз номларини, фамилияларини ҳам, айтинг, паспорт олганларида бутунлай узгартириб олишсин. Чунки бу норасидаларда нима-айб. Онасини отаси суйиб ташлаган, отасини суд ҳукмидан кейин отиб ташлаган, деган гаплар уларнинг ҳаётида ҳеч қачон учрамасин. Агар бирон жойда бу гапнинг учи чиқса уларнинг таржимаи ҳолига доғ тушиши тайин. Одамлар сенга эмас, қозога қушроқ ишонади, бунни мендан кура сиз яхши биласиз.

Эй Худо, нималар қилиб қўйдим!

Гуласал, Гуласал, уша куни бир оғиз гапдан қолиб, Исмоил ака, қўйиб турайлик шу гапларни, мана янги йил яқин қолди, яна уч кун чидасак, 2 январь куни ажралиш учун судга ариза беришимиз мумкин, деганингда, балки мен шу ишни қилмас эдим. Энг яхшиси уша «акангдан» воз кечдим деганингда борми, эҳ қандай яхши яшар эдик-а. Мен сени кечирардим, чунки севишимни биласан.

Исмоилнинг кузига уз қонига ботиб ётган Гуласал куруниб кетди. Кейин узига таниш булган мазорот манзараси утди. Қандайдир устига йиртиқ чопон ёпиб қўйилгандай олачула қор билан қопланган дунглик, қабр бўлса керак. Июнь ойи бўлишига, ёз иссиги, қамоқхонанинг тунг-сассиқ ҳавосига қарамадан Исмоилнинг бирдан эти жунжикиб кетди.

27 декабрь, Исмоилнинг туғилган куни. Совуқ «дом»да шимол совуғи ораларидан утган эр-хотин утиришибди. Олти яшар Мурод — Исмоилнинг Гуласал билан келган угай угли ва уч яшар Мардоннинг шўхликлари бу зимистон хонани ҳеч ҳам исита олмайдди.

Совуқ оилада совуқ тантана совуқлик билан тугади. Болалар уриб-ниқтаб ётқизилди!

Эрта тонг, 28 декабрь тонги отди. Кечагина, тунда Исмоилнинг туғилган кунини байрам қилмоқчи булган бу икки жон, бир уянинг икки куши, икки полонини икки томонга стақлаб дунё ташвишлари оғушига чиқиб кетишди.

28 декабрь қандай утганини Исмоил яхши эслай олмайди. Аммо 29 декабрь, даҳшатли фожиа куни бўлди.

Исмоилнинг қули қандай қилиб хонтахта устидаги пичоқни олганини у яхши билмайди, аниқроғи эслай олмайди.

Сапчиб уридан турди-ю, жон-жаҳди билан хотинининг кукрагига, сийнасига мулжаллаб пичоқ санчди. Кийим, суяк, яна қандайдир нарсалар қаршилигидан пичоқ Гуласалининг танасига ярмигача ботди, холос. Аммо шунинг узи ҳам кифоя қилди шекилли, Гуласал шундай дод солдики, Исмоилнинг қулоғи шаниллади кетди. Йўқ, энди у ҳеч нарсани эшитмас, курмас, қилаётган ишларининг моҳиятини тулик тушуниб етмас эди...

Мана бу сенинг тилинг учун, мана бу ушал 52 ешли Мирфотих аканг учун (ёзувчи ака, уша газанданинг исмини аниқ айтинг), мана бу сенга тарбия берган онанг учун, мана бу сенинг ибосиз акаларинг учун, аданг ҳам қуруқ қолмасин, аданг..... мана бу менинг шур тақдирим учун, мана бу сен юзимга солган шурларим учун, мана бу ... мана бу...

Гуласал типирчилаб, типирчилаб жон берди.

Уч яшар Мардон ошхонада стол тагида гужанак бўлиб хушсизга ухшаб ётибди. Олти яшар Мурод ойиси пичоқ азобидан доллаётган пайтида эшикдан ситилиб чиқиб бувисининг енига наҳот излаб чошиб кетди.

Одамлар пайдо бўлишганда Гуласалининг танасига «мана бу... мана бу...» деб 36 марта пичоқ урилган, Исмоил уз танасига ҳам бир неча бор тиг уришга улгурган эди.

Пичоқ санчилиб жойни қули билан босди. Қон панжалари орасидан отилиб чиқар, Исмоил уз қонини мастона томонга қилар, енида ётган Гуласали бутунлай унутган, узи билан узи эди.

Шу пайт Исмоилнинг бошига бир нарса қарсиллаб тегди. Унинг кузларидан олов чиқиб кетди. Танаси шалвираб оёқлари латталанди. Аввал тиз чўқди, аммо жон-жаҳди билан ярани куйиб юбордида ердан мадад олди. Ялангоёқ, ялангоёқ, қуйлакчан қандай ташқарига чиқиб қолганини билмайди.

Умар хонага кирдию, қулига илган нарса билан поччасининг бошига солди. У гандирақлаб йиқилди.

Шу пайт эшикдан кирган она дод солиб юборди.

Хона одама тула бошлади. Кимнинг нима деяётгани, нима қилаётгани ҳеч бир маъно бермас эди. Энди «тез ёрдан»нинг, онанинг сунги пушаймони, отанинг пушасиё, ака-укаларнинг дағдағаси Оллоҳ олдида инобатсиз бир галдирак товуш эди, холос.

Она Гуласалининг суюқоқлигидан хабардор эди. На илож, қайтарга олмади. Гуласалининг биринчи оиласи ҳам мана шу сабаб бузилди. Норасида Мурод ҳали адасини тулик таниб улгурмасдан сағир будди.

Гуласал билан Исмоил бир йилгина бежирим ҳаёт кечирди. Мардон туғилди. Исмоил ишлайди, Гуласал бола билан уйда. Аммо Исмоил уйга вақт-бевақт келганида Мурод ҳам, Мардон ҳам қайнонасининг олдида булар, Гуласал эса шаҳар кезар, бунинг сабаби суралганда, «Рузгорнинг камчилигини қилиб юрибманда», деган гап чиқа бошлади. Уйда баъзи бир қимматбахо буюмлар пайдо була бошлади. Бир бора Исмоил гуддай очилиб кетган хотинининг телефонда «Мирфотих ака...» билан гаплашиб турганига тусатдан гувуҳ будди.

Шаҳар катта булгани билан барибир дарвозаси бор, гап эгасини топмай қолмайди. Воқеанинг тафсилоти Исмоилнинг қулоғига симсиз телефонлар орқали ҳам етиб келди. Исмоил куча-қуйда, маҳалладош йиғитлар билан ошда, гапда булган пайтлариде ҳамсўхбатлари аёллар тўғрисида олдиқочди гапларни унинг олдида гапирмай қўйишди. Шундай сўхбатларда кўпчиликни оғи билан курсатадиган Салим суюқ унинг шаънига қочириклар қилди. Ҳатто бир бор Исмоил шундай бир қочирик қилгандан кейин Салим суюқ билан еқа бийров бўлиб ҳам олишди.

Тақдир, бир марта Гуласалини Исмоил шаҳарда нотаниш бир машинада узоқдан куриб қолди. Яна бир марта айнан уша машина Гуласалини маҳалла яқинида тушириб кетди. Бунни курган Исмоилнинг охири узини-узи аздаб юрган гумони қилдай чишарчин будди.

Оилада энди жанжал аниқ бир йўналишга кириб улгурган эди. Жанжалнинг асосий мавзуси мавҳум, аммо бошланиш сабаби ҳар кунгидай салгина нарса, холос.

Исмоил Гуласалини яхши куради. Унга боласи бўлишига қарамадан севиб уйланди. Узиям туйга борсанг стақлаб юрадиган кетворган эди-да.

Энди Исмоилнинг куз олдида қонга беланиб, шаҳло кузлари қақчайган Гуласал куруниб кетди.

... Ялангоёқ уйга кириб келган Исмоил онаси ва укаси Иброҳимнинг «Сизга нима будди?» деган саволига қон қузлари билан ярасини чангаллаган ҳолда «яшашни хоҳламайман: туйдим бундай ҳаётдан, мени улдиришлар...». «Мени Гуласал улдириди...», «Мен Гуласали улдиридим», деди-да остона олдида йиқилиб ҳушидан кетди.

Иброҳим кўниси Қушбоқ амакиннинг машинасида ҳолсиз ва хушсиз акасини касалхонага олиб кетди.

Ҳа, Исмоил соғайиб кетди. Аммо Исмоилнинг устидан «иш» ҳам юриб кетди. Исмоилни бу аҳволга олиб келган, куча-қуйда бош қутариб юришдек бахтдан маҳрум қилган Гуласалининг устидан эса «иш» қузғатилмади. Чунки у Исмоилнинг сулсиз чиқарган хукмидан ҳалок булган эди. Мана энди Исмоил уз улимни суд оғзидан эшитишни кутиб қамоқхонанинг сассиқ хонасида ётипти.

Суд ҳукми, судсиз ҳукм, виждон ҳукми ва жамиятнинг норасмий ҳукми — нима узи?

Исмоил Гуласалга улим ҳукмини чиқарган эмас. У Гуласалини улдиришмоқчи ҳам эмас эди. У фақат торган руҳий азобларини ибтидоий бир ҳолда Гуласалга курсатиб қўймоқчи будди, холос.

Йўқ, йўқ, у Гуласалини асло улдиришмоқчи эмас эди. Муродни ҳам уз фарзандидай куриб кетган эди. Мурод ҳам уни ада дейди. Мардон билан бир-бирларига жуда-жуда ухшаш. Ака-укалар бир-биридан адасини қизганишади. Кичкина булган Исмоилнинг қулига олган Исмоил Муроднинг утайлигини хаёлига бирон марта ҳам келтирган эмас.

Гуласал, нима қилиб қўйдинг, Гуласал? Мен сени бир дақиқа пичоқлаган бўлсам, сен мени бир неча йилдан бери пичоқлаб келсан. Қайси биримиз берган азоб даҳшатлироқ. Улиб азобни сезмай кетишим еки бу дунёда тирик қолиб ҳар кун юз бор суйилишу у дунёда ҳам беорлик тавқи-лаънати буйинга тақшими?

Исмоил қамоқхонанинг тор кулбасида хаёлга ботди. Ҳа, унинг хаёлга ботиши учун вақти куп.

Мана бир неча кундирки, Исмоилга масаланинг узи кутмаган томонлари очилаяпти. Уч-тўрт кун Гуласали эмас, Салим суюқни пичоқласам қадримни, обройимни, маҳалла, таниш-билишлар олдида оқлаган булар эдим, деган хулоса қалласини эговлади. Секин-секин бу уйдан қайтди. Ахир Салим суюқнинг гунуҳи нималда, у бир озгига кучи етмаган лаққи. Узини ҳаммадан юқори қўяди-ю, тагида отаси олиб берган машинадан бошқа нима обрусии борлигини уйламайди.

Йўқ, Исмоил тўғри қарорга келди. Салим суюқни эмас, уша гирром Мирфотихни топиб жазолаши керак эди.

Йўқ, бу ҳам булмайди. Мирфотихнинг сирли улдирилиши, унинг



(Давоми)

қотилининг номатълум қолиши менинг обрўйимни тикламайди. Гумон менга тупиши турган гапу, лекин биргина гумон билан обрў тиклаб бўлмайди. Очиқчасига улдиришим керак эди, у азаддани. Аммо у ҳолда барибир улим жазосини олар эдим. Шундайку-я, лекин улим жазосини мана бир неча йилдирки Гуласалдан ноҳақдан ноҳақ олиб юрибман. Мен тирик улдирилган йигитман. Мен учун ҳозир бир нарсани қизик. Ким ҳақиқий қотил? Оила була туриб бировнинг хотинига қўйилган Мирфотихми? Эри, болачақли була туриб суюқоёқлик қилган Гуласалми? Оилавий фожиага ачинадиган эмас, унинг устига мой сепган маҳалладошлари, Салим суюқми, уз ҳаместиги, фарзандининг онаси бўлишига қарамасдан унинг ошпоқ баданга ноҳуя ҳаракати-ю, аччиқ тили учун беихтиёр пичоқ тиккан менми? Бугун суд.

Исмоил Гуласални улдирмоқчи бўлмаганини айтади, аммо шу билан бирга у улим гуноҳини уз бўйнига олади. Аслида у зига узи улим ҳукмини аллақачон чиқариб қўйган. Аммо буни еш жони эшиттиси келмайди. Узига узи улим жазосини чиқариб ути-

рибди-ю, аммо яшагиси келади. Қамокдан чиқиб, Салим суюқнинг юзига тик қарамоқчи. Баъзан Мирфотихни улдиришнинг батафсил режаларини тузади ва бу режалар орасида ҳеч ҳам Гуласални улган деб хаёлга келтирмайди.

Одатда Исмоилнинг хаёлида Мирфотихни улдириб, уйига қўллари қон бўлиб борса, Гуласал хурсанд, «келинг дадаси, мана ишингиз ҳам битибди, қўлларингизни ювиб чиқинг», деб кутиб оладигандай бўлади.

Исмоилнинг қўлоқлари бирдан шапқиллаб кетди. Гуласалнинг унга «ада-си, ҳамияти зур йигитсиз-да», деган сўзлари жаранглагандай бўлди. Аммо бу жаранг қамокхона эшикларининг тарақлаб очилиши эди, холос.

Суд бошланди... ҳукм уқилди: улим жазосига маҳкум этилсин.

Исмоилнинг юраклари зирқираб кетди. У бор товуши билан «Йуқ, мен Гуласални улдирмоқчи эмас эдим, мен узимни ҳам улдирмоқчи эдим. Туйиб кетган эдим бу дунедан, мени Гуласал аллақачон улдириб қўйди-ку, мен тирик улган эдим-ку», деб бакириб юборди.

Аммо бу нидо Исмоилнинг дилида

эди холос. Уни шу пайтгача ҳеч ким илгарамаган экан, энди Исмоил бор овози билан бақирганда ҳам ҳеч ким эшитмайди.

Қизик булар экан. Узинг улимнингта рози бўлсанг ҳам улим ҳукми чиқаришса тангиб қолар экансан. Ҳа, ҳукмининг ҳеч ким ҳиссиз, бефарқ қабул қилмас керак.

Энди узоқ муддат суд ҳукмининг ижросини қийналиб кутиш лозим. Қани энди, ҳукм чиққан заҳоти отиб ташлашса. Исмоилнинг биргина илтижоси шу эди. Йуқ, бундай бўлмайди, у қийналиб кутиши, яна қамокхонанинг якка-хонасида фикру уй, мушоҳада азобида қийналиши керак.

Ҳа, айтгандай, асл қотил ким? Эрини тирик улдирган Гуласалми ё иноқ оиланинг

бузилишига асосий сабабчи ушал Мирфотихми, Исмоилни кучада бош кутариб юришига қўймаган маҳалладаги Салим суюқми, ёки тириклай мурдага айланиб улук ҳолда Гуласални улдирган эрими? Ҳамон ана шу саволларга жавоб излайман.

М. ЙҮЛДОШЕВ



## СИЦИЛИЯ МАФИЯСИ

Ҳар ҳолда, Сицилия мафиясининг ижтимоий ҳаётга таъсири кинофильмларда курганимиздек эмас. Яъни, бундан баттар бўлса борки, яхши деб бўлмайди. Гап шундаки, сицилиялик мафиозлар шунчаки бир жиноятчилар тўдаси бўлмай, жангари қотил, уз манфаатлари йўлида баҳс, жанжал, зурликдан қайтмайдиган гангстерлардир.

Палермонинг бош прокурори Гианкарло Каселли «Коза Ностра» (бизнинг иш) мафиясини давлат ичидаги «давлат», яъни узининг территорияси, аҳолиси ва қонунлари эга бўлган гуруҳ деб атади.

Бахтга қарши бу мафия ҳозиргача уз қора ишларини давом эттириб, қўпурувчилик ва қон тўкилишларга сабаб бўлмоқда. Палермода ҳукумат қуролли кучлари қўшинлари билан мафия тўқнашувлари кўпича шунчаки уруш бўлибгина қолмайди. Сицилия эса бу курашда энг ривожланган фаол фронтдир. Иккита жанубий ҳудуд Кампания ва Калабрияда жиноятчилар тўдасига Каморра ва Ндрагхета деган кимсалар бошчилик қилади. Хуллас, тўртта ўтли ҳудудда 50 дан ошдиқ уз узини бошқарувчи маҳаллий жинорий органлар фаолият курсатишади.

Сицилия мафиясининг негизи Италиянинг чиркин ўтмишига бориб тақалади. Аниқроғи, XIX асрдан бошлаб мафия ривожланди. Мафиянинг ривожланишига сабаб қилиб, Италия ҳукуматининг бошқарув ва ҳуқуқ-тартибот органларидаги ишларнинг тўғри ташкил этилмаганлигини курсатиш мумкин.

Италиянинг машҳур, жасур судьяси Гивонни Фалконе мафияни йўқотишга қарши кескин кураш олиб боришга ҳаракат қилди. Бирок, 1993 йил май ойида Фалконе хотини ва иккита қўриқчиси билан мафия бомбасидан ҳалок бўлишди. Фалконе ҳатто мафияни фош қилиш учун китоб ҳам ёзган эди. Натижада фожеали улим топди.

Фалконе ўлимидан икки ой ўтар-утмас Палермонинг мафияга қарши кураш бўлими махсус прокурори Пауло Барселлино ҳам фожеали улдирилди. Надоматлар бўлсин-ким, мафиянинг иккинчи бомбаси шу кишининг насибаси экан. Ҳукумат тепасига янги келган Гуилияно

Амато жиноятчи тўдаларга қарши курашиш мақсадида Сицилия оролига 7 минг кишилик махсус отряд жўнатади. Бундан мақсад, дейди жаноб Амато, фақатгина полицияга қўшимча мадад бериш эмас, балки сицилияликларга муҳофазасиз, ёлғиз эмасликларини ҳам англаштириш.

Италия Ички ишлар вазири Никола Мансинонинг айтишича, мафия билан курашда аста-секинлик билан яхши натижаларга эришилмоқда. Кейинги 1993 йил давомида 300 дан ошдиқ йирик мафиозлар қўлга олинди, уларга қаттиқ чора қўрилди. Шу йилда ўтказилган «Леопард» номли операциянинг узидеъқ 241 та жиноятчи қўлга олинди. Буларнинг кўпчилиги сицилиялик бўлиб, йирик мафиоз Леонардо Мессине таъсирида шу йўлга кириб кетишган.

1992 йилнинг узиде Италия Олий Суди томонидан қўлга олинган мафия аъзоларидан 2 миллиард доллар мусодара қилинди.

Фалконе ўлимидан кейин унинг ишини давом эттираётган Сиклари мафияга қарши курашаётган 26 маҳаллий прокурорлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Расмий маълумотларга қўра, Палермонинг узиде 67 та мафия «оила-си» бўлиб, уларда 1,5 минг киши бор экан. Бу «оила»ларнинг ҳар қайсиси уз территориясига ҳужайинлик қилади.

1970 йилдан бошлаб Сицилия мафияси героин савдоси бўйича дунёда асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Маълумотларга қараганда, қорадори маъзорининг 80% ини шулар тўлдирши-япти. 1982 йилда Палермодаги тўртта шунақа «оила» нинг героин билан савдо-сотиги 750 миллион долларга етган.

1979 ва 1993 йиллар оралигида Сицилия мафиясининг қотиллари кўзга қўринган 9 та судьянинг бошига етдилар.

Қомусий лугатни қўздан кечирар эканмиз, мафия-жिनоят, қора ишларнинг уюшган яхлит бир танаси деб таърифланади. Шунингдек, бу тананинг негизи илк бор Сицилияда вужудга келган ва бугунги кунда бошқа жойларга ҳам тарқалаёпти, дейилади давомида. Сицилия мафиясига қарши кураш ҳали анчагача давом этса керак.

Алижон САҒАРОВ

### Соғлом ва гўзал бўлай десангиз


## 10. АРДҲАМАТСИЕНДРА АСАН

Давоми. Боши утган сонларда

Гиламча ёки одёлда утириб оёқларингизни олдинга чиқаринг. Унг оёгингизни сал букиб юқорига кутаринг, натижада чап оёгингиз унинг остидан қарама-қарши томонга утсин. Энди эса чап оёгингизни тиззасидан букнинг ва чап оёгингизни думбаларингиз тагига ёки унг оёқ тагидан олиб бориб унг думбангизнинг остига қўйинг. Унг оёгингизни тиззасидан ушланг. Оёқни сал кутариб чапга олинг ва вертикал ҳолатда чап оёгингиз сони ёнига қўйинг. Нафас чиқаринг ва қорнингизни ичга тортинг. Унг тиззангиз ёнидаги унг қўлингизга суянган ҳолда уни тўғри тутиб чапга буранг. Чап қўлингизни унга олинг ва уша қўлингиз билан унг оёгингизни ушланг. Қорнингиз ва белингизни тўғри унгга ва бўйнингиз ва бошингизни орқангизга олинг ва чап сонингизни ушланг. Сизнинг унг оёгингиз бармоқлари, тиззангиз, чап елкангиз, иягингиз ва унг елкангиз бир чизикди турмоғи лозим. Бу асанни мукамаллаштиради. Ушбу асанни сиз бошқа қўл ва бошқа оёгингиз билан ҳам бажаришингиз мумкин. Бошланишда бу асанни 1-2 сония бажариш кифоя. Машқни эркин ҳолатда бажаринг.

### ҲОЙДАЛАРИ:

Ардҳаматсиендра Асан орқа мияни соғлом ва букилувчан сақлашга ёрдам беради. Бел оғригини йўқотади. Қон айланиши тезлашади. Иштаҳани очади ва ошқозон касалликларини даволайди. Ичакларнинг озод бўлишини таъминлайди. Барча мускулларнинг қувватини оширади, вена қон томирлари ва нервлар фаолиятини тартибга солади. У сизнинг организмнингизни энергияга тулқилдай сездиради. Диабет касаллигини дарҳол даволайди.





## «ГҮШТ СУЯКСИЗ БҮЛМАЙДИ...»

(Ҳажвия)

Бозорча биқинидаги гушт дуконида юртаюк кули-кулига тегмай пивриб юрадиган бир кимсани ҳамма Куса қассоб дейди. Гуштор икки ози қил-қизил, уқки куз, озгиниочганда туртта тилла тиши ярақлаб кетади. Йиғидаги санокли туқлар билинар-билинмас кузга ташланади.

Куса қассоб дуконида келган харидорларнинг мансаби юқорироғига қулини куксига қуйиб «лаббай, акахон», урғачароқ бўлса «лаббай, ака», умуман танимайдиганларга «нима дейсиз?» қабилда қош учириб қуяди. Хуллас, ана шу Куса қассобнинг фалсафаси ягона: «Гушт суюксиз бўлмайди!»

Унинг дуконида ҳамма вақт олам тирбанд. Чунки дуконга катта кучага яқин, шудқонина нарида бекат, бекатдаги аксар одамларга эса гушт керак! Кусанга харидор кўпайса бўлди, қолгани билан иши йўқ. Шундай пайтда қули шидан, озги гапдан бўшамайди, ахир харидорни чалғитиб керак-да! Чунки, у ураб берган қил-қизил гушт орасида албатта каттагина суюк бўлади. Харидор Кусадан миннатдор бўлиб кетадиган, уйда хотинидан роса даққи эшитишди. Орадан уч-тўрт кун утиб уша киши яна дуконга келиб: «Куса амаки, гуштни яхшилаб беринг-да» дейди. Куса дин вагини ҳам бузмай: «Ука, биласиз, гушт суюксиз бўлмайди, қуруқ гушт тик турмайди, тик турмаган нарсаси ҳеч кимга керак бўлмайди» дейди. Халиги киши «Э, шу билан туртиниб утирмамми» дея гуштни олиб кетаверди. Ахир гушт суюксиз бўлмаганидай, гуштсиз овқат ҳам бўлмайди-да.

Куса доим қаққадир бориши керак бўлган одамдек шошиб туради. Харидорни ҳам ўзи каби шоширгани-шоширган:

— Сизга қанақасидан керак, гапирсангизчи, — дейди у семиз гавдасига ярашмаган чаққонлик билан гушт майдаларкан.

— Чучваралик қилиб бера қолинг, — дейди тезгина пул узатиб харидор. У гуштни куз илгамас даражада чаққон ураб кунингизга туқсазидики, унинг қанақалигини ҳам пайқамай қоласиз.

— Ие, бунингиз қуруқ суюк-у, — дейди бечора харидор қоғоз урамини очиб қургандан сунг.

— Эй, — дейди куса аччиқлиниб, — суюксиз гушт буларканми, сиз гуштини олсангиз, суюкни ким олади?

Бир куни Кусанинг дуконига нотаниш киши келди. Харидорларни куравериб қузи пишиб кетган Куса буни ҳам бир бошламоқчи эди, бироқ...

— Куса амаки, жигардан тортинг, — деди нотаниш киши. Жигарга суюк қушиб бериш иложи йўқлигини билган қассоб: «Э, жигар тамоом булудви-ку», — деди.

— Унда тилдан тортинг.

— Калла-пачаларни пуллаб юборгандик-да, буш келмади Куса.

— Ахир озгинаям топилмайдими, тил суюксиз бўлади-да, — деди харидор.

Қассоб ниманидир сезиб хушер тортиди, ҳалиги кишига ортидан уқки кузларини сунартириб термулди. Сунг нимадир демоқчи бўлиб, шошганидан тилини тишлаб олди, озгида шуртак таъмини сезиб афтини бужмайтерди.

Эртасига Куса яна дуконга келди. У дукон ҳали очилмасданок тизилиб навбат кутатган одамлар олдида герлайганча айланиб ўтди. Чунтагидан ишлари қирлаб, қорайиб кетган бир тўп киши чўқариб эшикни очди, сунгра шошиб турган харидорларга ҳам эътибор бермай

дуконда гимирлай бошлади. Шунда унинг кузи харидорларнинг энг олдида ўзини кузатиб турган кечаги нотаниш киши нигоҳи билан туқнашди. Бу гап унинг қурак чунтагиди қил-қизил дафтарчининг чети сал қуришиб турарди. Қассоб қарийб ўн йилдан буён шу қасб орқасидан бойиб, «мартба» қозонган бўлса-да, ҳеч қачон ҳозиргидай довдирамаган эди. Бирдан ҳозиргина бегисаидлик билан ҳумрайиб турган башарасига ясама қулу югурди ва умрида биринчи марта харидорга илжайиб, қулини куксига қуйди: «Хуш, хизмат!» Унинг ширин муомаласидан яйраб кетган харидор:

— Манти қилмоқчи эдик, иложи бўлса суюксизроқ қилиб беринг, — деди. Куса эски одатини қилиб, жазаваси қузиб бақирди:

— Э, гушт суюксиз... У гапини тутатмасдан ҳушини йиғиб, бирдан узтардида, тил учди зурга:

— Албатта суюксиз бўлади-да, — деди биринчи марта ўз фалсафасига қиенат қилиб.

Нотаниш киши лаҳм гуштни олиб хурсанд бўлганча чиқиб кетди.

— Бу киши янги одамми бизда? — қули қувлик билан Куса ҳалиги киши ортидан. Бу билан унинг вазифасини биллиб олиш нияти ҳам йўқ эмасди.

— Кимни айтаяписиз? — ажабланишди харидорлар.

— Ҳозиргина гушт олиб келди-ку!

— Э, анови Саттор маллимми, — дейишди уч-тўрт киши харидор кетган томонга қараб.

— Аха, у ҳали маллим эдимми...

Куса гўё бир қоп суюксиз гуштдек, ялпайиб утирди-қолди.

Гулҷехра ЖАМИЛОВА

## Сўнги устун

### ИСРОИЛДА КИМЛАР ИШЛАЯПТИ?

Меҳнат ва Ижтимоий ишлар вазири Ора Намирнинг таъкидлашича, Исроил давлатида 61 миңдан ошдиқ чет эллик ишчилар мавжуд. Уларнинг 25 миң нафари Руминиядан, 19 миң нафари Тайланддан, 7 миң нафари Туркиядан ва 3 миң нафари собиқ СССР республикаларидан келишган.

Ишчиларга Исроил давлати ойи 300-500 АҚШ доллари атрофида пул туламоқда. Бу европаликлар вазоратликларга туланадиган иш ҳақидан анча арзон.

### МАШҲУР МИЛЛИОНЕРЛАР ОИЛАСИ

Бутун дунёга ўзининг сеvimли қушиқлари билан танилган Майкл Жексоннинг Лиза Мери Пресли билан оила қурганига бир йил тулди. Бу ёш оиланинг йиллик даромади 35 миллион АҚШ долларидан ошар экан.

М. Жексон ўзи қуйлаган 4 миң қушигининг автори сифатида бир йилда 14 миллион доллар соф даромад олади.

Л. Пресли эса отасидан мерос сифатида қолган Мемфисдаги оромгоҳдан йилга 20 миллион даромад олади. Бу оромгоҳ 100 миллион АҚШ доллари миқдориди баҳоланган.

### «666» — АЖАЛ БЕЛГИСИ

Бухарестда 2 ва 7 май кунлари топилган икки кишининг жасди руминияликларни даҳшатга солди. Чунки жасадлардаги жароҳатлар инсоният тарихида камдан-кам учрайдиган ваҳшийликлардан ҳам ўтиб тушадиган даражада эди. Қотиллар уларнинг бугзига личоқ санчишганидан сунг елкасига, ягринига ва қорнига крест билан беш қиррали юлдузларни ҳамда «666» рақамини уйиб ёзишган эди.

Тўхтовсиз қилдирув натижасида қотиллар 21 ёшли Хорачу Пинтилие ва 19 ёшли Мариан Андронакелар ушланди. Уларнинг фикрича, бу иш сеvimли машғуллари бўлиб, 666 рақами эса ажал белгиси эмиш.

Қотиллардан бирининг уйидан одам калласи ва турли хил пичоқлар тупмаи топилди. Тергов ишлари давом этмоқда.

### КАЛТАКЕСАК, КЎРШАПАЛАК ВА 30 ТА ЧАЁН

Венгрия пойтахти Будапешт аэропортидаги бохжона ходимлари меҳмонларнинг жомадонларини текшираётганда жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. Чунки жомадонлар ичидан тусатдан маймумни, тўтиқушни ёки бошқа бирор бир жонивор чиқиб қолиб, бохжоначиларга жароҳат етказиш ҳоллари тез-тез учраб турибди.

Яқинда Қоҳирадан қайтаётган руминиялик бир фуқаронинг жомадонидан 10 та калтакесак, бир нечта кўршапалак ва 30 та чаён чиқди. Бундай воқеалар бохжоначиларни меҳмонлар билан янада ҳушёрроқ муносабатда бўлишга ундамоқда.

Хорижий манбалар асосида тайёрланди

### Болали уй — бозор

## УЧ ФАРЗАНД,

## УЧ ДУНЁ

Ойиси Бахтиёрга тайинланди:

— Мана шу пулга беш кило баррагина бодринг билан яхши пишган помидордан турт кило олиб келгин, болам. Бозордан бирпасда қайтган бола деди:

— Ойижон, мана турт кило баррагина помидори. Аммо бодринг сотаётган бувани боладим. Берган пулингизга беш киломас етти кило яхши пишган бодринг олдим, — деди-да халтадан бир тоғора уруглик бодрингни ағдарди.

Гулмирага катталар гаплашаётганда аралашмагин деб уйдагилар кўп дашином беришади. Бир куни чой ичиб, гурунглашиб утирган ота-онаси қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборишувди:

— Хи, нима? — деди қизиқувчан қизалоқ чидайламай. Ва ойисининг танбех беришга шайланганини қуриб:

— Хи, Бехзод, нима дейсан? — деб танбехдан қутилди.

Гулмира «Бойвачча Барбе» қўғирчоғидан олиб беринглар» деб ота-онасини ҳол-жонига қуймайди.

Бир куни яна ойисига деди:

— Ая-я, «Барбе...» Наргизди дадаси олиб берибди.

— Қизим, бир ойлик маошим ҳам етмайди «барбе»ингга. Кейинроқ...

Шу пайт ташқарида ёмғир томчилай бошлади.

— Ана, йўқ деганингизга осмон ҳам йиғляпти, — деди хаёлпараст қизалоқ.

Гулмирага ўқувчиси Нодирахон деди:

— Қизим, мана шу пуфакни тасвириб бергин.

— Пуфак, — гап тополмай қолган қизалоқ бир оз дудуқланди-да, шартта жавоб берди: — Михга тегса пақ этиб ёрилади.

Ойиси Бехзодга деди:

— Болам, Ўзбекистон сеники, сенинг ватанинг. Болалар билан уришсанг қуққмай гаплашгин, бошингни кутариб юр.

Бирпас туриб пиёлани олиб кел, деб иш буюрган акаси Бахтиёрга Бехзод деди:

— Ўзбекистон менинг ватаним, пиёлани ўзинг олиб кел.

Бехзод ойисига деди:

— Ажон, Маъмура холам отларини узгаририбдилар.

— Вой, қанақасига?

— Рост сўзим. Маъмура хола, деб чарқирсам «Опоқи», дегин дедилар.

Ойиси билан адасининг гап талашиб турганини қурган Бехзод секин келиб уларнинг оёқларини босди. Натижа кутганидай чиқмагач, югуриб адасининг хуштагини олиб чиқди-да, жаранглашиб чалиб юборди. Милиционер ота дарров гапдан тўхтади.

Бехзод ўзига сузилган шолгом шурвани бир хўплади-да косани нари сурди.

— Ич, болам, фойдали-ку, — деди аяси. Ёқмади, десам ойм хафа бўлади деб уйлаган Бехзод:



— Фойдалилигини биламан. Сизлар тўймай қоласизлар деб ичмаяпман, — деб жавоб берди.

Бехзодга кечки телевизорни қуришни ман қилишса:

— Мен кап-каттаман-ку, — дейди қулочини кериб. Дастурхонга тансиқ мева қуйилса чангалини тўлдирди-да:

— Уришманглар, мен кичкинаман-да, — дейди.

Ховлида икки тепалак қушни гаплашиб туришарди:

— Дада, анави кишилар нимага урток экан-а? — қизиқиб сўради Бехзод.

— Ха, энди урток-да, — деди дадаси.

— Э, йўқ, икковиям кал бўлгани учун, — деди билагон бола.

Болаларининг айтганларини Гулжаҳон ОМОН қизи ёзиб олди

### БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

### МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95  
Алижон САҒАРОВ  
навбатчилик қилди  
Обуна индекси - 64654  
Руйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0265. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.